

ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-июнида Қашқадарё вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 9816,6 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 3,7 % га ўсди.

2018 йил 2-чорак якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 3104,9 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 1,7 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Қашқадарё вилоятининг қўшган хиссаси 6,4 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2017 йилнинг январь-июнига нисбатан % да
	2017 йил январь-июнь	2018 йил январь-июнь	
I. ЯҲМ	7566,8	9816,6	103,7
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	7123,9	9147,8	103,6
Маҳсулотларга соф солиқлар	442,9	668,8	104,7
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	7123,9	9147,8	103,6
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1364,9	1896,0	102,3
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	3147,3	4167,5	105,3
саноат	2551,8	3445,4	106,5
қурилиш	595,5	722,1	100,1
Хизматлар	2611,7	3084,3	102,3
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	607,3	722,5	98,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	517,1	558,5	104,5
бошқа хизмат тармоқлари	1487,3	1803,3	103,1

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,3 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 20,7 %), саноат – 106,5 % (37,7 %), қурилиш – 100,1 % (7,9 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа тармоғи – 104,5 % (6,1 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 103,1 % (19,7 %) ни ташкил этди.

2018 йил январь-июнь ойларида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 93,2 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 6,8 % ини ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 2018 йил январь-июнь ойларида 20,7 % ни, саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 45,6 % ни, хизматлар соҳасининг улуши 33,7 % ни ташкил этди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**

2017 йил январь-июнь



2018 йил январь-июнь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 7,9 % ни (2017 йил январь-июнда – 8,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 6,1 % ни (7,3 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 19,7 % ни (20,8 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**



- Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими

Ш.Расулов (0375) 221-16-42